Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 263 (4661).
19 НОЯБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби босилиб чиқди. Китобда Л. И. Брежнев дастлабки меҳнат йилларида учрашган ишчилар тўғрисида, ишчилар синфининг юксак тарихий роли ҳақида, ажойиб Ватан туйғуси ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган ва «Красный пролетарий» босмахонасида босилган. Китобда фотосуратлар берилган.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раёсининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов 18 ноябрь куни Кремлда бир группа ўртоқларга Ватан мукофотларини топширди.

● 1981 йил 17 ноябрь куни Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния—1» учирилди. «Молния—1» алоқа йўлдоши олис телефон-телеграф, радио алоқаси системасини ишлатишни таъминлаш, шунингдек СССР Марказий телевидениеси программаларини Узоқ Шимол, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё районларида жойлашган «Орбита» тармоғи пунктларига юборишга мўлжалланган.

Олинган маълумотларга қараганда, йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди, «Молния—1» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилиб турилди.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ЗАРБДОР МЕҲНАТИ—БЕШ ЙИЛЛИККА!

Илгари хабар қилинганидек, 17 ноябрь куни ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар «1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида» ва «СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида»ги докладларни тингладилар.

Шу куни кечқурун СССР Олий Советц Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Депутатлар ва меҳмонлар **М. С. Горбачев, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, В. В. Щербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

Иттифоқ Совети План-бюджет комиссиясининг раиси **Г. И. Вашченко** 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани, 1982 йилги Давлат плани ҳамда 1981 йилги план бажарилишининг бориши тўғрисида, СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети ва СССРнинг 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида доимий комиссиясининг кичик докладини қилди.

Комиссиялар деб таъкидлади нотиқ, иш жараёнида қўшимча резервларни излаб топдилар ва қуйидаги ўзгаришларни киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар: 1982 йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини чақана нархларда 183,3 миллион сўм кўпайтириш ва СССР Давлат бюджетининг даромадларини 135 миллион сўм кўпайтириш таклиф этилади.

Музокараларда: РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. П. Орлов**, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. П. Ляшко**, Москва шаҳар партия комитетининг иккинчи секретаря **Р. Ф. Дементева**, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. Н. Аксёнов**, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри депутат **Н.Ф. Васильев** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Депутатлар катта қизиқиш, ишчанлик билан партия планларини муваффақиятли амалга ошириш йўлларини муҳокама қилдилар.

СССР Олий Советининг сессияси 18 ноябрда ўз ишини давом эттиради.

Совет кишиларининг диққат-эътибори Кремлга, СССР Олий Совети сессияси ишлаб турган залга қаратилган. Депутатлар мамлакат давлат планлари ва бюджетининг йўйиқаларини муҳокама қилмоқдалар. Бу ҳужжатлар хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида КПСС XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқаришни, халқнинг турмуш даражасини оширишни таъминлайди.

Давлат манфаатлари халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, уни интенсивлашга бутун куч-ғайратни сарфлаш мажбуриятини зиммага юкламоқда, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳамма соҳаларида уюшқоқликни, ишчанликни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш вазифасини юкламоқда, деб таъкидланмоқда нутқларда. КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқи совет халқини шундай қилишга ундамоқда.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

18 ноябрь куни эрталаб Миллатлар Советининг мажлиси очилди.

А. Я. Пельше, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлари депутатлар ва меҳмонлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Миллатлар Советининг Раиси **В. П. Рубен** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси **А. Г. Коркин** СССР Олий Советига янги сайланган депутатларнинг ваколатлари текширилганлиги тўғрисида комиссия номидан доклад қилди. Доклад юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

Палата план-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилги Давлат плани ва 1981 йилги план қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети ва СССРнинг 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида Миллатлар Советининг доимий комиссияси номидан қўшимча доклад қилди.

Миллатлар Советининг доимий комиссиялари, деди у, СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этган 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, шунингдек комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги Давлат плани ва бюджетини тасдиқлашни таклиф қилди.

Украина Компартияси Черниғов область комитетининг биринчи секретари депутат **Н. В. Уманец** область меҳнат коллективлари мисолида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлиги тўғрисида, совет кишиларининг меҳнатдаги юксак активлиги ҳақида гапириб берди.

Нотиқ чорвачилик озуқа базасининг янада мустаҳкамланишига боғлиқ бўлган проблемаларга катта эътибор берди. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари одамларни озиқ-овқат билан яхши таъминлашда мадад бўлмоқда. Аммо бу ишлаб чиқаришнинг турли участкалари ҳозирча бирдай ривожланаётгани йўқ. Корхоналари бўлган бир қанча министрликлар ва идоралар шу хўжаликларни ривожлантиришга етарлича эътибор бермаяпти.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Л. П. Лихова** айтдики, республика корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик планини бажарди. Саноат маҳсулоти ўсишининг қарийб ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди.

Россия шимолий ва шарқий районларини жадал ўзлаштиришнинг бутун хўжалик учун муҳим аҳамияти бор. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва ҳудиини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу вазифани асосан ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобига ҳал этиш мўлжалланади.

Нотиқ қишлоқ хўжалигининг вазифалари тўғрисида гапирди, Ноқоратупроқ зонани ва Марказий Қоратупроқ зонани ўзлаштириб бориш проблемаларига батафсил тўхталди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри депутат **П. С. Непорожний** тармоқдаги капитал қурилиш тўғрисида, ғоят узун электр линияларини қуриш ҳамда янги энергия манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар тўғрисида гапирди. У атом электр станцияларини қуришга катта эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Бу станциялар келгуси беш йилликда тармоқнинг ривожланиш суръатларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Нотиқ электр энергияси ва иссиқлик энергиясини тежаш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари депутат **Ҳ. Умаров** СССР Олий Советига шуни маълум қилдики, пахтакорлар, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай сабот-матонат кўрсатиб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштира билдилар.

Нотиқ эришилган ютуқларга таяниб, ғалла ҳосилини бундан кейинги йилларда янада кўпайтириш мумкинлигини айтди.

Зеленодольск шаҳридаги (Татаристон АССР) ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **Р. Г. Тагирова** халқ маорифини ривожлантириш проблемаларига тўхталди. Мактабларнинг эҳтиёжларига доимий эътибор бериб бориш, мактаблар қурилишининг боришини назорат қилиб туриш Татаристон халқ депутатлари Советларининг кундалик юмушлари бўлиб қолди, деди у. Ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилаш учун, нотиқнинг фикрича, педагогика коллективларининггина, эмас, шу билан бирга меҳнат коллективларининг ролини ошириш зарур. Бу нарса ёшларнинг ҳунар танлашини яхшилашга, ишчи касбларига касбларни обрўсининг ошишига ёрдам беради.

Қозоғистон Компартияси Тўрғай область комитетининг биринчи секретари депутат **Е. Н. Овулбеков** маълум қилдики, республиканинг деҳқонлари мураккаб об-ҳаво шароитларида маҳорат ва матонат кўрсатиб дуруст ҳосил етиштирдилар, мажбурият-ларини шараф билан бажо келтирдилар — давлат омборларига 960 миллион пуддан зиёд сара дон тўкилди.

Л. И. Брежнев чўлқуварларининг жасоратлари тўғрисида меҳру муҳаббат, отаоларча самимият ва ҳаётини чуқур билган ҳолда ёзди. Унинг «Кўриқ» деган ажойиб китоби областдаги ҳар бир инсоннинг столида турадиган китоб, ёшлар учун ҳаёт дарслиги бўлиб қолди.

Химия, деди СССР Химия саноати министри депутат **В. В. Листов**, ўн биринчи беш йилликда кенг кўламдаги социал-иқтисодий вазифалар муваффақиятли ҳал этилишида катта роль ўйнамоғи лозим. Пластмасса, химиявий тола, корд ип ва техник ип, бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжалланади.

Нотиқ қишлоқ хўжалигининг вазифалари тўғрисида гапирди, Ноқоратупроқ зонани ва Марказий Қоратупроқ зонани ўзлаштириб бориш проблемаларига батафсил тўхталди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри депутат **П. С. Непорожний** тармоқдаги капитал қурилиш тўғрисида, ғоят узун электр линияларини қуриш ҳамда янги энергия манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар тўғрисида гапирди. У атом электр станцияларини қуришга катта эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Бу станциялар келгуси беш йилликда тармоқнинг ривожланиш суръатларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Нотиқ электр энергияси ва иссиқлик энергиясини тежаш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари депутат **Ҳ. Умаров** СССР Олий Советига шуни маълум қилдики, пахтакорлар, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай сабот-матонат кўрсатиб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштира билдилар.

Нотиқ эришилган ютуқларга таяниб, ғалла ҳосилини бундан кейинги йилларда янада кўпайтириш мумкинлигини айтди.

Россия шимолий ва шарқий районларини жадал ўзлаштиришнинг бутун хўжалик учун муҳим аҳамияти бор. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва ҳудиини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу вазифани асосан ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобига ҳал этиш мўлжалланади.

Министр тармоқ қурилиш программасини амалга ошириш масалаларига тўхталиб, бундан аввалги бир қанча йилларда бўлгани сингари бу йил қурилиш-монтаж ишлари ва асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилмаётганлигини айтди. Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш суръатлари етарли даражада эмас. Буларнинг ҳаммаси тармоқнинг имкониятларидан тўлатўкис фойдаланишга имкон бермайди.

Грузия касаба союзлари республика Советининг раиси депутат **Т. И. Мосашвили** кейинги ўн йил ичида республика меҳнаткашларининг миллий даромадини ўстиришда, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда эришган муваффақиятларини айтиб ўтди. Грузияда камчиликларни таг-томири билан тугатиш, катта муваффақиятларга эришиш учун қисқа муддат ичида талайгина ишлар қилиб қўйилди.

Депутат жадал ҳал этилиши тақозо этилаётган бир қанча жиддий проблемалар тўғрисида гапирди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш медицина хизматида қолоқликни тугатиш, маориф моддий-техник базасини мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.

Белоруссия Компартияси Минск шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **Г. Г. Бартошевич** Минск меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирди. Илгор корхоналарнинг ўн биринчи беш йилликда: «фан билан ишлаб чиқаришнинг иттифоқлигида ҳар бир бўғим юқори сифатли қилиб ишлаб чиқилади ва тайёрланади» деган шиор остида ишлаш ташаббуси шаҳарнинг ишчи коллективларида кенг ёйилди.

Аммо, деди нотиқ, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қилинаётган ишларнинг кўпи ҳали янги беш йиллик хизматига қўйилган эмас. Масалан, олий техник таълим олган кўпгина мутахассислардан кўпинча вазифасига биноан фойдаланилмаяпти, улар чуқур махсус билим талаб қилмайдиган ишларни бажараяпти.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Г. Н. Сеидов** республика халқ хўжалиги тармоқлари ишининг суръат ва сифатини таҳлил этиб, мўлжалланган юксак марралар сари дадил олға борилаётганлигини айтди.

Нотиқ республика иқтисодий потенциалининг ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган бир қанча проблемаларга диққатни жалб этди. Жумладан, индустриянинг жадал ривожланиши электр энергиясининг истеъмоли билан энергия ҳосил қилиш ўртасида маълум номутаносиблик вужудга келтирганлигини айтди.

Ҳар бир меҳнаткашнинг соғлиги халқ мулкидир. Молдавия Распопенск қишлоқ участка касалхонасининг бош врачи **О. К. Ионку** бу қоидани ишончли равишда исботлаётган республика мисолида кўрсатди.

Камбагал молдаван деҳқонининг қизи, Совет даврида бепул медицина ёрдамчи олган депутат 1940 йил Молдавияда бир неча юз врач бўлган бўлса бугунги кунда улар 12 мингтадан ошишини маълум қилди. Республикада ўзининг медик кадрлари етишган, соғлиқни сақлаш ишининг ривожланган моддий-техника базаси бор. Совет халқи тинч меҳнат қилиш, ўғил-қизларимизни соғлом қилиб тарбиялаш имкониятига эга бўлганлиги учун врач ва она сифатида партияга, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий ташаккур айтаман, деди нотиқ.

Литва ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Р.-Б. И. Сонгайла** айтдики, республикада жонли меҳнатни тежаш борасидаги тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган, саноат ва қурилиш ишларини интенсивлаш программаси тузилган. Капитал қурилишга, капитал маблағлар, моддий ресурслар ва меҳнат ресурсларини концентрациялашга кўп эътибор берилмоқда.

Нотиқ деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаш масалаларига тўхталди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Кечқурун Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Щербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселёв, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи — Иттифоқ Советининг раиси **А. П. Шитиков** Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари депутат **А. К. Каримова** сўз берди.

(ТАСС).

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРГА

Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент билан Югославиянинг Скопле шаҳри ўртасида яхши дўстлик алоқалари ўрнатилган. Иккала шаҳар ўртасида тузилган маданий программаларни айирбошлаш тадбирларига биноан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг йўлланмаси билан В. И. Ленин номли республика иноер ва ўқувчилар саройи болалар хори тўғарагининг аъзолари Скопле шаҳрига жўнаб кетишди. Улар у ерда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий «Олтин булбулча» қўшиқ фестивалида иштирок этишади. Делегациядаги болалар хорининг раҳбари Ҳ. Воҳидов бошчилик қилмоқда. Ижрочилар орасида 214-мактабнинг ўқувчиси Жамила Қутбидинова, 41-мактабнинг ўқувчиси Мурод Абдуазимов бор.

Тошкент шаҳар болаларининг ижодини жаҳон даврасида кўрсатиш анъанага айланиб бормоқда. Болалар расмлари кўргазмаси Тунис республикасида намойиш этилган эди. Келгусида эса Марокаш пойтахти Марокашга юборилиши мўлжалланмоқда.

● ФУТБОЛ

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛИДА

Кеча футбол бўйича СССР терма командаси келаси йили Испанияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган икки йўлланма учун кураш кетаётган Европанинг учинчи саралаш группасидаги ўзининг навбатдаги учрашувини Уэльс командаси билан ўтказди.

Тбилисидаги «Динамо» стадионида ўтган бу учрашувни бевосита 80 минг, телевизор орқали миллионлаб футбол муҳлислари ҳаяжон билан кузатдилар. Терма командамиз футболчилари уларнинг ишончини оқлаб, 3:0 ҳисобида чиройли ғалаба қозонишди. Тўпларни меҳмонлар дарвозасига 13-минутда Дараселия, 18-минутда Блохин ва 64-минутда Гаврилов киритди.

Шундай қилиб, СССР футболчилари 13 очко тўплаб, ўн икки йиллик танаффусдан сўнг яна жаҳон чемпионатининг финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шу группадаги сўнгги СССР—СССР учрашуви иккинчи йўлланманинг бахтли эгаси ким бўлишини аниқлайди. Хозирча Уэльс командаси 10 очкога, СССР командаси 9 очкога эга. Сўнгги учрашувда дуранг натижа қайд қилинган тақдирда ҳам СССР командаси финалга йўлланма олади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Автомобиль транспорти қишга шай бўлсин

Пассажирларга юксак маданиятли хизмат кўрсатишга эришиш, уларни белгиланган манзилга тез, тўхтовсиз элтиб қўйиш — кўп сонли автомобиль транспорти коллективларининг вазифаси ана шундан иборат. Уларнинг иши қиш шароитида ҳам пухта бўлиши зарур. Бунинг учун бутун бир комплекс тайёргарлик тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш керак. Шаҳар хўжалигини қишқиш шароитида ишлашга тайёрлаш бўйича штабнинг навбатдаги мажлисида автомобиль транспорти қишга қандай тайёрланаётгани, бугунги кунда нималарга асосий эътибор бериш зарурлиги ҳақида сўз борди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов олиб борди.

Кўпгина хўжаликлар белгиланган тадбирларни конкрет ишлаб чиқилган план асосида амалга оширишяпти, ҳаракатдаги составни ремонтдан чиқаришди, ишлаб чиқариш хоналарини ойналашди, иқтисод ва тежамкорлик учун курашмоқдалар. 1 ва 2-автокомбинатлар. 3-таксопарк, 7-автопарк коллективлари қишга яхши тайёргарлик кўрдилар. Бироқ ҳамма жойда ҳам иш яхши ташкил этилган деб бўлмайди, Жумладан, 4-автопаркда диспетчерлик пункти тўла ремонтдан чиқарилмаган. 1-автопаркда зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар учун буюртма рўйхати тузилган, электр жиҳозлари системаси ва автозаправка станцияси профилактикаси ўтказилган. Бироқ бу ерда ҳам кўпгина тадбирлар формал ҳарактерда бўлиб, натижада ҳаракатдаги составнинг 50 процентга яқини тайёрланган, вулканизация цехи ташландиқ аҳволда, парк территорияси чиқиндилар билан тўла. 18-автопаркда ёпиқ тўхташ жойи қурилиши ниҳоясига етгани йўқ. Бу ерда механик ювиш жойи ойналанмаганлиги, механика ва мотор цехи тартибга келтирилмаганлигини кўриш мумкин. 6-таксопаркда ҳам совуқ кунларга тайёргарликка иккинчи даражали иш деб қарашяпти. Бу ерда ҳатто тайёргарлик тадбирлари плани тузилмаган, Ремонт чуқурларидаги электр симлари ва ёритгичлар ремонти бор-йўғи 20 процент бажарилган, парк территорияси асфальт қилинмаган, қоровхонасалар учун курак-лар тайёрланмаган, автомобилларнинг деярли ярми иситгичларга эга эмас.

Текширишлар давомида маълум бўлдики, барча автобус ва таксомотор парклари ичида ҳам бир-бирига мослаштирилган камчиликлар бор. Бунга етарли миқдорда қум жамғарилмаганлиги, машиналарнинг паркка кириш ва чиқиш графиги бузилаётганлиги, қозонхона ва буг иситгичларининг тўла тайёр эмаслигини мисол келтириш мумкин. Ҳайдовчилар состави билан тегишли инструктаж ўтказишга ҳам катта эътибор бериш керак. Штаб аъзолари автомобиль хўжаликларининг раҳбарлари эътиборини аниқланган камчиликларни назорат остига олишга қаратишди.

Штаб ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

ҲАММАМИЗ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига кўра 1981 йилнинг 10 ноябридан 10 декабригача шаҳримизда кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади. Ойлик давомида 1061,7 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтказилади. Ҳамшаҳарларимиз ишдан бўш вақтларида, ўқишдан кейин кўча ва турар жой кварталларида ободончилик ишларини олиб боришиб, кўчат ўтказишади. Бугунги кунда шаҳримиздаги ҳар бир районда кўчат ўтказиш ойлиги уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

Собир Раҳимов райони йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда жуда кўплаб янги турар жой бинолари қад кўтариб, аҳа шу уйларнинг атрофлари ободонлаштирилмоқда. Район ободончилари аҳоли билан биргаликда ҳашарларга чиқишиб, янги ҳиёбонлар барпо қилишда ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу йилги кузги кўкаламзорлаштириш ойлигига ҳам районда олдиндан тайёргарлик кўрилди. Ўтказиладиган 22 минг туп дарахт ва 53 минг яшил тўсиқларни қаерга ўтказиш кераклиги олдиндан белгиланди.

Ҳозир 10-шаҳар касалхонаси ёнида 3 гектардан иборат бўлган боғнинг барпо этишда район ободончилари уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда. Бу ерга тупроқлар ётқизилиб, кўркам боғ барпо қилинмоқда. Гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш учун ҳозирлик кўрилмоқда. Қамарнисо кўчасига тутташган янги проспект ни барпо этишда ҳам унумли меҳнат қилинмоқда. Бу проспектда 60 минг сўмлик ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади, проспектга арча, чинор, дуб каби кўчатлар ўтказилади.

Мактаб ўқувчилари ва корхона меҳнаткашлари ёрдамида Собир Раҳимов номли богда ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмоқда.

КАНАЛЛАР АТРОФИ КЎРКАМЛАШАДИ

Чирчиқ ва Қорасув канали қирғоғи йилдан-йилга обод бўлиб бормоқда. Ҳамза район ободончилари ва меҳнаткашлари ёрдамида бу ерда жуда кўплаб ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кузги кўчат ўтказиш ойлигида ҳам ана шу каналлар атрофига дуб ва чинор дарахтлари ўтказилади, янги хиёбонлар ташкил этилади. Янги Слония кўчасида эса 500 квадрат метрдан иборат бўлган хиёбон ташкил этилади. Ҳозир ана шу хиёбонни ташкил этиш учун тупроқ ётқизилянти. Шолохов кўчасида икката тўқиз қаватли турар жой биноси қад кўтарди. Ана шу уй атрофи ҳам кўкаламзорлаштирилади. Бундан ташқари Ҳалқа йўлидаги ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш бошқармаси биноси ёнида янги хиёбонлар барпо этилади.

«Бахт» ва «Роҳат» дам олиш зонасидаги ташландиқ жойлар ободонлаштирилиб, чинор дарахтлари ўтказилади. Район меҳнаткашлари бу ойликда 71 минг туп дарахт ва яшил тўсиқ ўтказишга аҳд қилишган. Бугунгача манзарали боғдорчилик совхозидан 1,5 минг туп дарахт ва 5 минг дона яшил тўсиқ олиб келиниб, ўтказиб бўлинди.

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

18 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Журналистлар Союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Правление раиси З. И. Есенбоев республика Журналистлар союзининг VI съездига тайёргарлик тўғрисида доклад қилди. Пленум оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг совет кишиларини ғоявий-сиёсий актив позициясини шакллантиришдаги вазифаларини ҳам муҳокама қилди. Бу масала юзасидан республика Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қ. Қориев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ОҒОБ-ЯЛОҚ КЕКСЛАР ОҚШОМ САҲИФАЛАРИ

ФАЗИЛАТЛАР СУЛТОНИ

Фалсафа фанлари кандидати, доцент С. Алимовнинг мақоласида ишхонада хоҳ катта, хоҳ кичик бир-бирини ҳурматлаши, ака-укадек, опа-сингилдек, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, бир-бирига оғир-енгил кунларда ҳамдард, ҳамкорлик қилиши инсонийлик эканлиги ҳаётий мисолларда очиб берилган.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига «Гулхан» журналининг редактори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

САЙЁРА БАХТИНИ ТОПДИМИ?

Н. Норқобиловнинг шу сарлавҳали мақоласида биринчи муҳаббатини, биринчи оиласини барбод қилган одамнинг ҳаёти ширин ўтмаслиги, ҳаётнинг порлоқ ва маънавий бой чўққисига чиқолмаслиги яқиндагина турмуш қурган Сайёра исмли қиз мисолида ҳикоя қилинади.

ЯХШИЛАРГА ЭРГАШДИМ, ЕТДИМ МУРОДГА

Алишер Навоий номли адабиёт музейининг ходими Т. Ашрапова ўз мақоласида ният яхши одамнинг қалби пок, дили соф бўлиши, бундай кишиларнинг йўли нурли, ҳаёти ширин кечиши ҳақида мулоҳаза юритади.

ЯНА ҲАМ САМАРАЛИРОҚ ИШЛАЙЛИК

Цехимиз коллективи ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи билан, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг бошқа материаллари билан ғоят қизиқиб танишиб чиқдик. Нутқда ва Пленумнинг бошқа материалларида 1982 йил ва ўн биринчи беш йилликда мамлакат олдига қўйилаётган улуғвор вазифалар тўғрисида гап боради. Бизнинг, эртанги кунимиз, фаровонлигимиз ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқдир. Пленум материаллари партиямиз ва ҳукуматимиз совет халқи фаровонлигини янада ўстиришга, нақадар кўп эътибор бераётганликларини қайд этиб ўтди. Биз деҳқонларимизнинг меҳнатига берилган шундай баҳо билан фахрланамиз, биз ҳам деҳқонларнинг меҳнатига бевосита даҳлдормиз. Цехимиз шпинделлар — пахта териш машиналарининг асосий деталларини тайёрлайди. Бу-лар комбайннинг «қўллари» бўлиб «зангори кема»ларнинг кўп жиҳатдан шулар-нинг сифатига боғлиқ бўлади. Биз машинасозлар ҳам механизаторлар олдидаги масъулиятимизни англаб яна ҳам самарали, сифатли меҳнат қилишга интилмоқдамиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасидаги аҳволни кўриб чиқа туриб, агрегатларнинг техникавий даражасини, уларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилигини ошириш вазифасини кўйди. Коллективимиздаги бутун тарбиявий иш шунга қаратилган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, «ҳар бир коммунист ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатда фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим». Бизнинг цехимизда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фрезерчи Н. А. Удаловани, созловчилар бригадири О. Г. Карповани ва бошқа кўпгина кишиларни ҳақли равишда ана шундай коммунистлар қаторига қўшиш мумкин. Цех шундай кишилар туфайли ишлаб чиқариш кўрсаткичларини анча яхшилади. Аммо эришилган натижа билан қаноатланиб қолмоқчи эмасмиз, шпинделларни ҳам кўпроқ, ҳам яхши сифатли қилиб чиқара олишимизга аминмиз. Цех коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳозир ўзларининг бутун ишларини мана шунга қаратмоқдалар.

Т. КОПОТЕВА,
созловчи. «Ташсельмаш» заводи парткомининг аъзоси.

Касаба союзлари: ҳисобот ва сайловлар

ИШЧАНЛИК ВА ТАНҚИД ВАЗИЯТИДА

— Тошкент резина-техника буюмлари заводи касаба союз конференцияси ана шундай ўтди.

Корхона касаба союз комитетининг раиси В. Сведомцева ҳисобот докладида қилинган ишларни қайд қилиб, цехлар, бригадалар ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақаси йўлга қўйилмаганини, социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётгани билан қизиқилмаганлигини айтди. Тўғри, завод комитети бир неча ишлаб чиқариш илғорларининг портретларини кўзга кўринарли жойларга илиб қўйган. Аммо, касаба союз комитети социалистик мусобақа билан мутлақо шуғулланмади.

Ўн биринчи беш йиллик тўғрич йилининг ўн ойи ўтди. Аммо бирон марта касаба союз комитети цехлар ўртасида иш якунларини том маънода таҳлил этиб, мавжуд камчиликларга барҳам бериш йўлларини белгилагани йўқ. Ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳақида ҳам мутлақо ўйлаб кўрилмаган.

И. Янтушенко бошчилик қилаётган цехда ишга кечикиб келиш, ишдан эрта кетиб қолиш ҳоллари кўп. Бу ҳақда цех мастери П. Исаков жон куйдириб гапирди. Цехда ҳар ойда пландаги 12 минг сўмлик ўрнига 7—8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, холос. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг пасайиб кетгани топшириқларни ўз вақтида бажаришга салбий таъсир кўрсатаяпти. Цехдан тайёр маҳсулотларни олиб кетиш, хомашё етказиб бериш учун ажратилган автотранспорт иши устидан етарлича назорат ўрнатилмаган.

Корхонада ёш ишчиларни тарбиялаш, уларга оталиқ ёрдами кўрсатиш ҳам ўлдажўлда. Негаки, бу ерда мураббийлик ҳаракати умуман йўлга қўйилмаган. Мана бир неча йилдирки, завод территориясида янги цех қурилиши чўзилиб келяпти. Цех қурилишида кейинги пайтларда ҳеч қандай силкиш бўлмаяпти. Завод маъмурияти эса қурилишни жадаллантириш, цехни тезроқ ишга тушириш ҳақида етарлича бош қотирмаяпти.

Буларнинг ҳаммаси заводда йиллик план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришга салбий таъсир кўрсатяпти. Масалан, корхона бўйича ўн ойлик маҳсулот реализация қилиш плани 98,6 процент бажарилган, холос. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи ҳам бажарилмади.

Корхона касаба союз комитети ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, уларга маиший хизмат кўрсатиш борасида етарлича ғамхўрлик қилмаяпти. Бу йил бирон марта ҳам ишчиларнинг коллектив бўлиб маданий ҳордиқ чиқаришганини, тог ёнбағирларига ёки музейларга борганини эслолмайсан, киши.

Маълумки, бутун мамлакатимизда, республикамизда, шунингдек пойтахтимизда «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ватанпарварлик ҳаракати кенг тус олиб кетди. Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача беш йиллик шахсий планларини бажариш мажбуриятларини олишмоқда. Корхонада ҳам бундай ватанпарварлар бор. Масалан, А. Ҳайбуллин бошчилик қилаётган бригада, У. Носиров, Т. Хўжамёровлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг кўпчилик ишчилари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Аммо афсуски, завод касаба союз комитети ана шу ишлаб чиқариш илғорларининг ўн ойлик иш натижалари билан қизиқмади. Илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳақида мутлақо ўйлаб кўрмади.

Касаба союз конференциясида сўзга чиққанлар завод ошхонаси ишини тубдан яхшилаш ҳақида ишчилар илгари ҳам бир неча бор шикоят қилишганини айтишди. Лекин, касаба союз комитети бу масала билан жиддий шуғулланмади.

Партия XXVI съездида касаба союз ташкилотлари ташаббускорлигини кучайтириш, ҳақида муҳим кўрсатмалар берилган. Аммо мавжуд корхона цехларида бўлган киши материал ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланилмаганига гувоҳ бўлади. Айниқса, электр энергияси кўплаб исроф қилинаяпти. Бунда комитет ташаббускорлиги сезилмаяпти.

Конференцияда Владимир Андриенко завод касаба союз комитетининг раиси қилиб сайланди. Конференция қабул қилган қарорда комитет янги состави олиб бориладиган ишлар, мавжуд камчиликларга барҳам бериш йўллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди.

Т. НАЖМИН.

Партия ва ҳукуматимиз аграр сиёсатининг бош вазифаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон шароитида бу проблемани мувaффақиятли ҳал этишнинг асосий омилларидан бири мелиорация ва ирригацияни ривожлантиришдир. Экскаватор ва бульдозер сингари қудратли техника воситалари Тошкент экскаватор заводида ишлаб чиқарилади. Сал кам ярим асрлик тарихга эга бўлган бу завод коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида йилдан-йилга қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг асосий омили бўлмоқда.

Корхонанинг йиғув цехи энг асосий ишлаб чиқариш участкаси ҳисобланади. Цехда иш қизғин. Йиғувчи-слесарларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар сифат ва самарадорликни оширишга қаратилган умумзавод социалистик мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар. Бу цех иккинчи механика цехи билан мусобақадош. Ўзаро меҳнат беллашуви ҳар иккала коллективга ҳам яхши натижалар бермоқда. Заводнинг барча цех, участка ва бригадалари ўртасида мусобақа яхши йўлга қўйилган. Корхона коллективининг бу йилги марралари, қўлга киритилган муваффақиятлар, ютуқлар гаровини бўлмиш социалистик мусобақа ҳақида гапириб беришни завод касаба союзи комитетининг раиси Ҳасан НУРУЛЛАЕВдан илтимос қилдик.

Социалистик мусобақа — миллионлар ижоди

МУҲИМ ОМИЛ

— Завод коллективининг янги беш йиллиқнинг тўғрич йилидаги режалари улкан. Ишчиларимиз йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва оширib бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан цехларда социалистик мусобақа кундан-кунга авж олдирилмоқда. Завод партия, касаба союз, комсомол комитетлари асосий эътиборни мусобақанинг таъсирчанлигини оширишга қаратмоқдалар. Цехларда социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли заводимиз коллективи ўтган беш йилликни қувончли натижалар билан якунлади. Экскаватор ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик план 104,3 процент миқдорида бажарилди. Машинасозларимиз ўн биринчи беш йилликда ҳам яхши меҳнат қилишаяпти. Ўн ойлик план топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарилди.

— Корхонада сифат масаласига қандай эътибор бериляпти?

— Цехлар, бригадалар ва бўлимларда социалистик мусобақанинг шартларида план топшириқларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини яхшилаш маҳсулотларини ва маблағ сарфлаган ҳолда юксак натижаларга эришиш лозим. Мусобақа натижаларини якунлаётган пайтда сифат масаласига алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш борасида йилдан-йилга самарали натижаларга эришяпмиз. Масалан, «Э — 304В» маркали экскаваторимиз 1979 йилнинг энг яхши машинаси деган фахрли дипломга сазовор бўлди. Ўтган йили эса «Э—304Г» маркали экскаваторларимиз г а давлат Сифат белгиси берилди. Эндиликда экскаваторлари м и з Иттифоқимизнинг ҳамма республикаларига юборилмоқда, жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Ҳа, завод касаба союз комитети ишчиларни мусобақага жалб этиш борасида ибратли фаолият кўрсатмоқда. Социалистик мусобақада заводнинг 1147 нафар ишчиси ва 296 нафар инженер-техник ходимлари иштирок этмоқдалар. Улар «Самарали ва сифатли ишлайлик!» шиори остида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

«Самарали ва сифатли ишлайлик!» — бу шиорнинг маъноси шуки, мавжуд ресурслардан, бутун ишлаб чиқариш потенциалидан моҳирлик билан фойдаланиш, кам куч сарфлаган ҳолда олиб борилганлиги туфайли комплекс муддатидан бир ярим ой илгари ишга туширилди. У халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш учун 50 минг тонна қимматли хом ашё тайёрлашга мўлжалланган.



Тошкент чинни заводининг янги маҳсулотлар яратиш бадиий лабораторияси коллективи нонг ассортимент бўйича чинни маҳсулотлари намуналарини ижод этиш устида катта ишлар олиб бормоқда. Лабораториянинг етакчи рассомларидан Ҳ. Ҳайдаров, Б. Собиров, А. Нигмоновлар бу борада яхши натижаларга эришишяпти. Улар томонидан яратилган бадиий намуналар жамоатчилик ва масъул ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

СУРАТДА: (юқорида) корхонанинг бош рассоми Б. Собиров иш устида.

* * *

Пастдаги суратда «Уч кун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор калава ўровчиси М. Эргашевани кўриб турибсиз. У смена-ойлик топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

МИНСК. Минск областидаги «Слободской» совхозида трактор-лар учун иситиладиган гараж қурилди. Бу гаражга элликта ўрмаловчи ва ғилдиракли машиналар сиғади. Тракторларнинг двигателларини иситиладиган бинолар ичида юргазиш уларнинг эскириб қолишини тахминан етти баравар камайтиради. Белоруссия хўжаликларида минглаб кўпроқ типовой машина ҳовлилари қурилди. Бу ҳовлиларда трактор-лар учун мўлжалланган иситиладиган гаражлардан ташқари ремонт устахоналари, комбайнлар, сеялкалар, тупроқ ишлаш инвентарлари учун бостирмалар бор. Бу эса қишлоқ хўжалик машина-механизм л арининг ишлаш муддатини анча узайтириш имконини бермоқда.

* * *

ГРОДНО. С. О. Притицкий номли «азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам ишлаб чиқариладиган катта комплекс дастлабки маҳсулот берди. Агрегатларни йиғиш ва монтаж қилиш илғор усулда олиб борилганлиги туфайли комплекс муддатидан бир ярим ой илгари ишга туширилди. У халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш учун 50 минг тонна қимматли хом ашё тайёрлашга мўлжалланган.

* * *

КАЛИНИН. Бирлашган тарих-архитектура ва адабиёт музейи ёзги мавсумини тамомлади. Юқори Волга соҳилидаги шаҳар ва қишлоқларнинг йигирма мингдан кўпроқ аҳолиси Ленин мавзуига бағишланган, областнинг қаҳрамонона тарихи, область меҳнаткашлари бугунги кунда эришган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилувчи сайёр экспозициялар билан танишдилар. Музей ходимлари областнинг донгдор кишилари билан учрашувлар ташкил қилдилар. Уларнинг ҳикоялари кўргазмага қўйилган материаллар билан бойитилди.



Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнат аҳли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун гайратга-гайрат қўшиб ишлаяпти.

СУРАТДА: корхона 2-фабрикасининг чит саралаш цехи тасвирланган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РЕКОНСТРУКЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

СОФИЯ. «СССР—Болгария» асосий газопровод участкаларидан бирида бош компрессор станцияси тубдан реконструкция қилинди. Янги агрегатлар ўрнатилгандан кейин станциянинг қувати икки баравар ошди. Бу ерда оператив ишлаб чиқариш телефон ва телеграф алоқаси ҳамда телемеханика автомат системаси барпо этилди.

«Зангори» ёнилғидан химия, металлургия ва енгил саноатнинг 37 корхонасида хом ашё ва энергия манбаи сифатида фойдаланилмоқда. Газ уй-рўзғорда ҳам ишлатилмоқда.

ХИМИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

БЕРЛИН. Йил бошидан бери ГДР химия саноати корхоналарида 60 миллиард маркаликдан кўп буюм ишлаб чиқарилди. Шу тармоқдаги 320 минг меҳнаткаш ўз байрамини меҳнатда мана шундай муваффақият билан кутиб олди.

Химиклар куни муносабати билан Лейпцигда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ГДР химия саноати министри Г. Вишофский таъкидлаб ўтганидек, шу билан ГБСП X съездида қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам замин яратилди. ГДР химия саноатининг илғор «Лойна» ва «Буна» комбинатлари йиллик планни муносиб бажариш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

ПРАГА. Шарқий Словакияда саноат корхоналари қаторига яна бир завод қўшилди. Михаловце шаҳрида янги электродвигателлар заводини қуришга киришилди.

Бу корхона 1986 йилда ишга туширилиши керак. У ҳар йили 1 миллиондан кўп электромоторлар ишлаб чиқаради ва уларни Совет Иттифоқига юборади.

Заводда энг замонавий станоклар ва ускуналар, автомат линиялар, бошқарувнинг электрон системаларини ўрнатиш мўлжалланган. Қўлда қилинадиган жами ишларни, шу жумладан тайёр буюмларни ўрашни механизмлар ўзи бажаради.

КООПЕРАТИВ ҲАРАКАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ГАВАНА. Кубада қишлоқ хўжалигини кооперативлаш и н г ленинча принципларини муваффақиятли амалга оширилмоқда. Майда ер эгаларини хўжаликни коллектив бўлиб бошқаришнинг устунлигига ишонч ҳосил қилиб, кооперативларга бирлашмоқдалар.

Куба Компартиясининг биринчи съездидан кейин Куба қишлоқларида кооператив ҳаракати ғоят кучайди. Ўн минглаб деҳқонлар кўнгилли равишда хўжалик юритишнинг шундай социалистик формасига ўтдилар. 1970 йилда мамлакатда 43 та қишлоқ хўжалик кооператив бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони қарийб 1100 тага етди.

«Биз Л. И. Брежневнинг визитини табриклаймиз»

БОНН. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визити арафасида Ғарбий Германия аҳолиси турли табақаларининг намоянда-лари оммавий даражадаги Совет — Германия музокаралари кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлашга, ҳар иккала мамлакат ўртасида самарали муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирмоқдалар.

Немис ишчилар ҳаракати ва антифашист қаршилик ҳаракатининг ветерани. ГКП правлениеси президиумининг аъзоси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Курт Бахман ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Леонид Ильич Брежневнинг Боннга келиши мамлакатимизда Американи ўртача олиниккa учирадиган янги ракеталари жойлаштирилишига қарши кураш жуда кучайган бир пайтга тўғри келади. ГФР халқининг ғоят кенг табақалари тинчлик учун, ядро хавфига қарши оммавий ҳаракатга қўшилдилар. Тинчликни қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси мамлакатимизда шундай сиёсий муҳитни вужудга келтиришга ҳаракат қилишлари керакки, бундай муҳит 1970 йилги Москва шартномасини ҳаётий мазмун билан тобора тўлдиришга кўмаклашадиган бўлсин.

Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган аввалги икки визити Совет Иттифоқининг тинчликка бўлган иродасини ва шайлитини яққол кўрсатди, деди пировардида К. Бахман. Бу галги, учинчи визит арафасида СССРнинг ГФР билан яхши қўшничилик ва ҳамкорликка бўлган ана шу интилиши совет раҳбарининг «Шпигель» журнали саволларига қайтарган жавобларида ёрқин ифодалаб берилди. Мен ҳар иккала мамлакат учун самарали бўлган ҳамкорлик давом эттирилишини қалбимдан истайман.

Совет раҳбарининг ГФРга визити Европада ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш йўлларини қидириб топиш учун жуда соз имконият яратиб беради, дейилади ҳарбий хизмат муҳолифлари интернационали — немис тинчлик жамияти федерал правлениесининг бу ерда эълон қилинган баёнотида. Биз ҳар иккала мамлакатнинг дунёда кескинлик кучайиб бораётганлигига қарамай ўз мулоқотини ўзмасдан ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган тайёрлигини жуда муҳим далда берувчи омил. деб баҳолаймиз. Биз Л. И. Брежневнинг ГФРга қиладиган визитини ва унинг кайлер Г. Шмидт билан олиб борадиган музокаралари табриклаймиз, чунки бу ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, ҳамжиҳатлик, кескинликни юмшатиш ва тинчликни пухта таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ҳужжатда олий даражадаги Совет—Ғарбий Германия учрашуви ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва барча соҳаларда икки томонлама ҳамкорликка наф келтириши таъкидланади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. Кобул вилоятида АДР миллий ватан фронти (МВФ) комитети тузилди. Бу фронт империализм ва реакция кирдикорларига қарши, мамлакатда янги жамият қуриш учун курашда вилоятдаги Афғонистон Халқ Демократик партияси аъзоларини, ишчилар, хизматчилар, деҳқонларни, зиёлилар, қабилалар ва руҳонийларнинг вакилларини бирлаштиришга, уларни АХДП ва АДР ҳукумати қўйган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш учун даъват этилган. Кобул вилоятининг губернатори М. Ҳабибий МВФ комитетининг раиси қилиб сайланди.

* * *

ТУНИС. Тунисннинг шимолий районидаги Резала дарёсида Совет Иттифоқининг ёрдами билан тўғон қурила бошлади.

У ерда қурилади-ган гидроузел катта қишлоқ хўжалик районини сув билан таъминлаш проблемасини ҳал этишга, имкон беради, етиштирилаётган экинларнинг маҳсулдорлигини оширади.

Резала дарёсидаги тўғон Тунисда совет мутахассисларини н г ёрдами билан барпо этилаётган учинчи гидротехник иншоотдир.

Тунис бош министри М. Мзали тўғон қурила бошланишига бағишланган тантанали митингда сўзлаб, гидротехника иншоотлари қуриш ишида Тунис билан СССР ўртасидаги ҳамкорликдан ғоятда мамнунлигини айтди. Совет Иттифоқи билан самарали алоқалар бундан буён ҳам ривожланиб боравериши, деган умиддамиз, деб таъкидлади у.

* * *

БАЙРУТ. Исроилда янги ирқчилик қонуни кучга кирди. Унинг мақсади сионистлар давлатидан фаластинликларни секин-аста ҳайдаб чиқаришдан иборатдир. Фаластин ВАФА агентлигининг хабар беришича, бу қонун «ерларни» яхшилаш солиғи» деган ном олган. Қонунга мувофиқ Исроилда яшайдиган араблар ўзларига қарашли ерда катта пул солиғи тўласаларгина уй-жой қуриб олишлари мумкин.

* * *

ТЕҲРОН. Эрон энергетика министрлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида кейинги уч ой ичида 200 тага яқин қишлоқ электрлаштирилган л и ги айтилади. Унда Теҳроннинг жанубий ва Эрондаги бошқа шаҳарларининг сув таъминоти системалари қурилиши битиш олдида турганлиги айтилади. Масалан Систон ва Белужистон вилоятида 26 та ирригация системалари қурилмоқда. Эрон ҳукумати ривожланишини шоҳ режими тамомила писанд этмаган районларга асосий эътибор бераяпти, деб таъкидланади баёнотда.

* * *

АНҚАРА. Туркия аҳолиси 44 миллион 737 минг кишини ташкил қилади. Ўтган йилнинг кузида ўтказилган яллпи аҳоли рўйхатининг бу ерда эълон қилинган маълумотларида шу гап айтилади.

* * *

Туркияда муомалага чиқарилган 5 минг турк лираси янги қоғоз пулига «инфлящия фаранди» деган лақаб қўйилди. Асосий пул бирлиги доимо қадрсизланиб бораётганлиги ҳамда озиқ-овқат молларининг нархи муттасил кўтарилиб бораётганлиги сабабли шундай йирик пуллар пайдо бўлмоқда. «Гунайдин» газетаси Туркиядаги қимматчиликни баён қилиб, жумладан, бундан ўн йил аввал 5 минг лирага қарийб 1 тонна гуруч харид этиш мумкин бўлса, ҳозир атиги 36 килограмм гуруч харид этиш мумкинлигини кўрсатади.

ЭКСПОНАТЛАРГА... ҚЎЛ ТЕГИЗИШ МУМКИН!

БЕРЛИН. ГДР техника музейларининг залларида аппарат приборларнинг шовқини эшитилади ва ранг-баранг лампочкалар ўчиб ёниб туради. Музей ходимлари эса томошабинлар музей экспонатларига қўл тегизиб кўрсалар хурсанд бўладилар. Ҳар бир прибори яқинига бориб кўришни, ўзини бир дақиқа бўлса-да радиотехник, телеграфчи ёки катта бир электр станциянинг оператори ҳолида сезиш асосан болалар ва қизларни қизиқтиради. Шунинг учун ҳам техника музейлари одатда мактаб кинолари кунларида кўпроқ гавжум бўлади.

ГДРда 28 та шундай музей бўлса-да, уларнинг баъзилари айниқса, гавжум бўлиб туради. Дрезден транспорт музейи билан Берлиндаги почта музейи шулар жумласидандир. Тез юриш ишқибозлари Аугустусбургдаги (Карл Маркс штат округи) Мотоциклларнинг мамлакатдаги энг катта коллекцияларидан бири бор. ГДР спортчилари масъулиятли мусобақаларда неча бор ғолиб чиққанда минган мотоциклар ҳам шу ерда.

Ёш дентизчи ва дарёчилар Одербергда (Франкфурт — Одер округи) абадий турғазиб қўйилган кўҳна чарҳли пароход бўлмаларида марок билан вақт ўтказадилар. Бу ерда сув транспортининг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция жойлаштирилган.

ФОЙДА КЕТИДАН ҚУВИБ

КАРАКАС. Қўшма Штатларнинг химия саноати монополиялари фойда кетидан қувиб Лотин Америкаси мамлакатларига инсон саломатлиги учун ниҳоятда хавфли бўлган жуда заҳарли химикатларни экспорт қила бошлади. АҚШда бу моддаларни қўлланиш тақиқланган. Венесуэланинг «Трибуна популяр» газетаси ана шу ҳақда хабар қилиб, қишлоқ хўжалиги экинзорларида Америка-нинг бу ниҳоятда заҳарли химикатларидан фойдаланиш атроф муҳитни бузгани билан бирга инсон организмига тиклаб бўлмас зарар етказади, деб ёзади. Марказий Американинг шу каби препаратлар фойдаланилган баъзи мамлакатларида, деб таъкидланади мақолада, қишлоқ аҳолиси ўртасида қатиқ заҳарланган кишилар рўйхатга олинган. Бу кишиларнинг кўпчилиги ҳалок бўлган.

Венесуэла деҳқончилик ва чорвачилик министрлигининг мутахассислари берган маълумотларга кўра, Американинг заҳарли химикатларидан фойдаланиш натижасида Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда уй ҳайвонлари кўплаб нобуд бўлган.

ЭРОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

ТЕҲРОН. Эрондаги ҳукмрон Ислом республика партиясининг органи «Жумҳурия ислomий» газетаси мамлакатда ер ислоҳотини амалга оширишга уринишлар барбод бўлганлиги ҳусусида таассуф билдиради. Ҳолбуки, Эрон Ислом революцион кенгаши ўз вақтида бу ислоҳотни маъқуллаган эди, дейди газета.

Газета деҳқонларга ер берилиши деҳқончиларни катта-катта шаҳарларга кўплаб кетиб қолаётганликлари н и тўхтатувчи бирдан-бир воситадир, деб ёзади Деҳқонларнинг шаҳарларга кетиши ҳукуматнинг Эрон деҳқончилик маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаши керак деган режалари амалга оширишга ҳарф солади Ҳозирги вақтда Теҳронда инқилобгача бўлган 4 миллионга нисбатан 7 миллион аҳоли борлиги қайд этилади. Эрон вилоят марказларига ва бошқа шаҳарларга ҳам қишлоқ аҳолиси кўчиб бормоқдалар. Газета ер ислоҳоти ўтказилишигина деҳқонларни улар меҳнатининг самаралари тортиб олинмаётганлигига ишонтириши мумкин, деб таъкидлайди.

● ДОНОЛИКДАН МАҲРУМ КУНГИЛ УЛИКДИР. АММО АГАР У БИЛИМ БИЛАН БОЙИТИЛСА, БАМИСОЛИ ҚАҚРОҚ ЕРГА ЁМҒИР ЁҚҚАНИДЕК ЖОНЛАНАДИ.

● СЕРГАП БЎЛМА, НЕГАКИ, СЕРГАПЛИҚ ШУНДАЙ БИР БУШЛИҚҚА УХШАЙДИКИ, УНДА ҚОҚИЛАДИГАН ТОШЛАР ҲАМ КЎП.

Абул ФАРОЖ.

Оқшом-аҳлоқ жаҳида

оқшом суҳбатлари

№ 24

Оила даврасида

Эркак ва аёл муҳаббати — бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Г. МОПАССАН.

САЙЁРА БАХТИНИ ТОПДИМИ?

БЎЛГАН ВОҚЕА

Дўстим Абдуллажон дардини анчагача яшириб юрди. Ўз ёғига ўзи қовурилиб юриб, рангидан қон кетди, ишидан унум... Қачонки биз дўстлари унинг юрагидаги тоғ мисол дарди-аламдан хабар топиб кўмакка шошилганимизда, ғишт қолибдан кўчганди... Эзилган қиёфада унинг хонадонига кириб борганимизда, у хона бурчагидаги бўм-бўш каравотчага хомуш тикилиб турган эди.

— Нима бўлди?

— Нақадар шафқатсиз экан-а, — деди у бизнинг саволимизни эшитмагандай гўё, ўзўзига гапириб. — ҳатто болани ҳам ўйламади.

Ҳаммамиз каравотчага тикилдик. Олти ой олдин қизининг туғилган кунига коллектив равишда совға қилган каравотча энди бўм-бўш турарди. Уй ивирсиб ётар гўё ҳозиргина қанақадир шафқатсиз қўл бу ердаги барча буюмларни титиб ташлаб кетгандай эди. Амалда ҳам шундай эди. У умид билан уйланган, севган, биз таниган, ҳурмат қилган Сайёрахон бир неча дақиқа олдин лаш-лушларини олиб онасиникига кетиб қолганди. Бу ҳол қандоқ юз берди? Ахир улар бир-бирларини жондан ортиқ севарди-ку?

Дилга ғазаб ва ҳайронлик соладиган қатор муаммолар бирдан қаршингда кўндаланг бўлса, шошиб қоларкансан киши. Келинг, яхшиси бу муаммоларни бир бошдан айтиб бера қолай.

...Улар севишиб турмуш қуришди. Абдулла заводда ремонтчи-слесарь бўлиб ишлар, институтнинг кечкисида ўқирди, цех комсомол ташкилотининг секретари эди. Баланд бўйли, келишган бу йигитни коллективимиз қизларигина эмас, йигитларимиз ҳам жуда яхши кўришар, чунки у муомалада жуда ширин йигит эди.

Тўйдан дарак эшитгач, биз келинни кўришга қизиқиб қолдик. Ким экан, шундоқ ажойиб йигитимизнинг муҳаббатини қозонган? Сайёрахонни тўйда кўрдик. Қошқўзи нопукдай гўзал қиз экан дўстимизнинг қайлиғи...

Тўйда дил сўзимизни айтиб, уларга бахт тиладик. Орадан бир неча ой ўтиб, Абдулла мендан пул сўраб келди. Сабабини айтмади. Ўшанда тўрт юз сўмни ундан-бундан йиғиб бердик. Бирор қимматроқ мебель олмоқчидир, деб ўйлагандим. Йўқ, у кооператив квартира сотиб олди, икки хоналисидан. Заводда обрўйи бор эмасми, унга квартирани тезда беришди... Янги, шинам уйда Сайёрахон бизни гулгул очилиб кутиб олди.

Ўшанда хаёлимдан дафъатан Абдулланинг кекса онаси ва биродиридан ёш уч укаси ўтди. Абдуллани қарзга уй сотиб олишга нима мажбур экан? Суҳбат маромида бу иш Сайёранинг талаби билан қилинганини англадим. Тўнғич келин қайнана билан яшашдан бош тортибди. Мустақил турмуш юритиш ҳозирги ёшлар учун мода эмиш. Бунақада Абдулланинг ойлиги билан кун кўриб келган оиланинг ҳоли нима кечади экан? Бечора она келин туширганда катта орзулар қилган, албатта. Унинг орзуси саробга айланди. Абдулланинг катта укаси Алишер ўқишини кечки мактабга ўтказиб, заводда иш бошлаганда биз буни олдий ҳол деб ўйлагандик. Йигитча жуда эпчил экан, тезда токарликни эгаллаб олди...

Энди Абдулланинг илгариги куйди-пиштилиги йўқолди. Ишни аввалгидек қотириб ташласа-да, жамоат ишларида қатнашмай қўйди. Тез-тез бошқа сменаларда қолиб ишлайдиган одат чиқарди. Ахир кишилардан анча-мунча қарздор бўлиб қолганди-да. Табиат унга зўр чидам берган билан, у жуда сир бермас йигит эди. Унинг оиласидаги келишмовчиликни ташқаридан сезсам-да, ичдан ҳеч нарса билмасдим. У ҳеч кимга сир айтмасди.

Иттифоқо, кунлардан бир кун оилавий жанжал устидан чиқиб қолдим. Шундагина дўстимнинг гўзал қайғисининг ички дунёси билан таништим.

— Жонимга тегди, ҳаммаси жонимга тегди! — деди Сайёра мендан ҳеч истиҳола қилиб ўтирмай, косани товоққа, товоқни косага уриб, — икки гапнинг бирида қарздан қутилайлик, қарздан қутилайлик... Бунақада қачон бирамиз икки бўлади? Ўлсам ўлиб бўлдим...

Мен унга сабр-тоқат ҳақида гапирмоқчи эдим, бобиллаб оғзимга урди:

— Сизнинг насиҳатингизга зор эмасман. Мен ёшман, ўйнаб-кулишни истайман, ҳаёт-ку бир марта берилган экан. Ўртоғингизни қаранг, ўзида бир тийиннинг дараги йўқ-у, тағин онасига ёрдам бермоқчи бу кишим. Мени кимлар сўрамади... Пешонам шўр бўлмаса келиб-келиб шунга эрга чиқармидим.

Ёшгина, чиройли жувоннинг катта хотинлардай бобиллаши кўзимга хунук кўриниб кетди. Ўшанда Абдулла ўзини зўрға тутиб турарди, негадир қаватчада ишчи-пиш ухлаб ётган қизчасидан кўзини узмас, нималарнидир ўйлаб ўтирарди...

Ҳа, у жуда сабр-тоқатли, босиқ йигит эди. Ҳозир унинг аянчли чеҳрасига боқар-қанман, бир пайтлар ўктам бўлган йигитнинг бу қадар эзилиб қолишини ўйлаб кимдандир эшитган «оилавий бахт— энг олий бахт» деган гапини эсладим.

Ёшлик гаштини фақат-ўйнаб кулишни, ҳаётни фақат тараллабедод деб тушунган Сайёрахоннинг енгилтаклигига нима деса бўлади. У бу билан бахтини топдими? Ахир ҳаётда тап-тайёр, бир текисда йўл йўқ-ку. Ҳар ким ўз бахтини меҳнат, ирода ва билак кучи билан яратади-ку. Сайёрахон ҳам эрининг ёнига кириб бирор корхонада ишласа, меҳнат қилса, оила-рўзғорга кўмаклашса, бу ширин хонадонда ширин ҳаёт бўлади-ку.

Севиб турмуш қурган, бир-бирини доим эъзозлайдиган икки ёшнинг турмуши арзимаган нарса туфайли бузилиб кетиши мени ачитириб юборди. Ўзимча дилдан хитоб қиламан:

— Абдуллажон, ўқинма дўстим, сенинг қалбингда ўт, билагингда куч бор. Меҳнат билан бахтингни, порлоқ йўлингни топасан, шунда Сайёра ҳам тавбасига таянib пойингга бош уриб келади. Эртами-кечми Сайёра янглишганини, сенинг муҳаббатингни оёқ ости қилганини билади, пушаймон ейди.

Биринчи муҳаббатини, биринчи оиласини барбод қилган одамнинг ҳаёти ширин ўтмайди, ҳаётнинг порлоқ ва маънавий бой чўққисига чиқолмайди. Буни Сайёра яқин кунда тушуниб қизчаси билан ширин оиласига қайтади, деб умид қиламан.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига «Гулхан» журналининг редактори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёзувчи Худойберди ТЎХТАБОЕВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда, қайси фазилатларни тушунасиз?
2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?
3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.
4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?
5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?
6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?



1. Инсонийлик нима вомидир, ботирлик ва ўзи? Мукаммал инсон деганда нимани назарда тутамиз, номукаммал инсон деганда кўпроқ кимларни кўз олдимизга келтирамиз? Умуман, ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал, эски ёки янги замон ахлоқ кодексининг ҳамма саволларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган одам борми? Агар бор бўлса, унда, ойда ҳам доғ бор, ёки ҳар тўкисда бир айб, деган гаплар, мендаги қусурлар фазилатимнинг давомидир деган афоризмлар қаёқдан пайдо бўлди экан? Менинг бир ташкишим бор, шунақа қувноқ, шунақанги дилбар йигитки, асти қўяверасиз. Ўтиришларга бориб колса, ҳаммани кулдираверибоқ чақчақлашни узиб юборади, уйида ҳам ҳеч қаҳқаҳа овози тинмайди. Лекин ўтакетган даражада хасис — на ейиш-ичишида, на кийинишида тайин бор, упа-эликка пул бермай хотинини ойлаб йиғлатади. Яна битта ошнам бор, меҳнатсеварликда, меҳнатсеварликда унга тенг келадигани йўқ. Эрта тонгдан эл ётаргача тиним билмайди. Уй-жойларини ҳам боплаб кўйган, бир парча еридан йилига етти марта ҳосил олади, десам ишонаверинг. Лекин... (айтишга тилим ҳам бормай турибди) шунақанги жоҳилки, таъбирига сўз йўқдек. Биронта китоб ўқиганини биров кўрган ёки эшитган эмас. Ўзининку кўлаверинг, ҳатто ўғил-қизларини ҳам дурустроқ ўқитмади. Хўш, дилбару қувноқ бўлгани учун ановининсини, меҳнатсеварту, тиришқоқ бўлгани учун бунисини мукаммал инсон деб бўлами? Бўлмайди, албатта.

Хўш, инсонийлик нима ўзи? Менимча бу — инсон деган улуг зотни яна ҳам улуғроқ қилиб кўрсатадиган гўзалликлар гўзал хулқи, илмийроқ қилиб айтганда гўзал характерлар йиғиндисидир. Оқкўнгиллик, самимийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, камтарлик, олижаноблик... Эҳ, буларнинг ҳаммасини санаб адо қилиб бўлмайди.

Одамийликни ташкил этадиган барча гўзал хулқу характерларни ҳеч инкор қилмаган ҳолда, самимийлик ва оқкўнгилликни, беҳад яхши кўришимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, самимийлик — ботирлик, жасурликнинг дастлабки шартидир. Самимий одам ўзини ҳеч нимадан ҳадиксирайдиган бўлиб, ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал, эски ёки янги замон ахлоқ кодексининг ҳамма саволларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган одам борми? Агар бор бўлса, унда, ойда ҳам доғ бор, ёки ҳар тўкисда бир айб, деган гаплар, мендаги қусурлар фазилатимнинг давомидир деган афоризмлар қаёқдан пайдо бўлди экан? Менинг бир ташкишим бор, шунақа қувноқ, шунақанги дилбар йигитки, асти қўяверасиз. Ўтиришларга бориб колса, ҳаммани кулдираверибоқ нақ ичакларини узиб юборади, уйида ҳам ҳеч қаҳқаҳа овози тинмайди. Лекин ўтакетган даражада хасис — на ейиш-ичишида, на кийинишида тайин бор, упа-эликка пул бермай хотинини ойлаб йиғлатади. Яна битта ошнам бор, меҳнатсеварликда унга тенг келадигани йўқ. Эрта тонгдан эл ётаргача тиним билмайди. Уй-жойларини ҳам боплаб кўйган, бир парча еридан йилига етти марта ҳосил олади, десам ишонаверинг. Лекин... (айтишга тилим ҳам бормай турибди) шунақанги жоҳилки, таъбирига сўз йўқдек. Биронта китоб ўқиганини биров кўрган ёки эшитган эмас. Ўзининку кўлаверинг, ҳатто ўғил-қизларини ҳам дурустроқ ўқитмади. Хўш, дилбару қувноқ бўлгани учун ановининсини, меҳнатсеварту, тиришқоқ бўлгани учун бунисини мукаммал инсон деб бўлами? Бўлмайди, албатта.

Хўш, инсонийлик нима ўзи? Менимча бу — инсон деган улуг зотни яна ҳам улуғроқ қилиб кўрсатадиган гўзалликлар гўзал хулқи, илмийроқ қилиб айтганда гўзал характерлар йиғиндисидир. Оқкўнгиллик, самимийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, камтарлик, олижаноблик... Эҳ, буларнинг ҳаммасини санаб адо қилиб бўлмайди.

Одамийликни ташкил этадиган барча гўзал хулқу характерларни ҳеч инкор қилмаган ҳолда, самимийлик ва оқкўнгилликни, беҳад яхши кўришимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, самимийлик — ботирлик, жасурликнинг дастлабки шартидир. Самимий одам ўзини ҳеч нимадан ҳадиксирайдиган бўлиб, ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал инсон деганда кўпроқ кимларни кўз олдимизга келтирамиз? Умуман, ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал, эски ёки янги замон ахлоқ кодексининг ҳамма саволларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган одам борми? Агар бор бўлса, унда, ойда ҳам доғ бор, ёки ҳар тўкисда бир айб, деган гаплар, мендаги қусурлар фазилатимнинг давомидир деган афоризмлар қаёқдан пайдо бўлди экан? Менинг бир ташкишим бор, шунақа қувноқ, шунақанги дилбар йигитки, асти қўяверасиз. Ўтиришларга бориб колса, ҳаммани кулдираверибоқ нақ ичакларини узиб юборади, уйида ҳам ҳеч қаҳқаҳа овози тинмайди. Лекин ўтакетган даражада хасис — на ейиш-ичишида, на кийинишида тайин бор, упа-эликка пул бермай хотинини ойлаб йиғлатади. Яна битта ошнам бор, меҳнатсеварликда унга тенг келадигани йўқ. Эрта тонгдан эл ётаргача тиним билмайди. Уй-жойларини ҳам боплаб кўйган, бир парча еридан йилига етти марта ҳосил олади, десам ишонаверинг. Лекин... (айтишга тилим ҳам бормай турибди) шунақанги жоҳилки, таъбирига сўз йўқдек. Биронта китоб ўқиганини биров кўрган ёки эшитган эмас. Ўзининку кўлаверинг, ҳатто ўғил-қизларини ҳам дурустроқ ўқитмади. Хўш, дилбару қувноқ бўлгани учун ановининсини, меҳнатсеварту, тиришқоқ бўлгани учун бунисини мукаммал инсон деб бўлами? Бўлмайди, албатта.

Хўш, инсонийлик нима ўзи? Менимча бу — инсон деган улуг зотни яна ҳам улуғроқ қилиб кўрсатадиган гўзалликлар гўзал хулқи, илмийроқ қилиб айтганда гўзал характерлар йиғиндисидир. Оқкўнгиллик, самимийлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, камтарлик, олижаноблик... Эҳ, буларнинг ҳаммасини санаб адо қилиб бўлмайди.

Одамийликни ташкил этадиган барча гўзал хулқу характерларни ҳеч инкор қилмаган ҳолда, самимийлик ва оқкўнгилликни, беҳад яхши кўришимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, самимийлик — ботирлик, жасурликнинг дастлабки шартидир. Самимий одам ўзини ҳеч нимадан ҳадиксирайдиган бўлиб, ҳаётда ҳар жиҳатдан мукаммал, эски ёки янги замон ахлоқ кодексининг ҳамма саволларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган одам борми? Агар бор бўлса, унда, ойда ҳам доғ бор, ёки ҳар тўкисда бир айб, деган гаплар, мендаги қусурлар фазилатимнинг давомидир деган афоризмлар қаёқдан пайдо бўлди экан? Менинг бир ташкишим бор, шунақа қувноқ, шунақанги дилбар йигитки, асти қўяверасиз. Ўтиришларга бориб колса, ҳаммани кулдираверибоқ нақ ичакларини узиб юборади, уйида ҳам ҳеч қаҳқаҳа овози тинмайди. Лекин ўтакетган даражада хасис — на ейиш-ичишида, на кийинишида тайин бор, упа-эликка пул бермай хотинини ойлаб йиғлатади. Яна битта ошнам бор, меҳнатсеварликда

Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни

ВАТАННИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАЛҚОНИ

АРТИЛЛЕРИЯ МАРШАЛИ П. Н. КУЛЕШОВ

19 ноябрь — Совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг анъанавий байрами — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни. 1944 йилда Совет артиллериясининг пемис фашист босқинчиларига қарши курашдаги жанговар хизматларини нишонлаш юзасидан артиллерия куни ҳар йили байрам қилиниши белгиланган эди. Орадан йигирма йил ўтгач, СССР Олий Совети Президиумининг қарорига биноан бу байрам ракета қўшинлари ва артиллерия куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бу ном армия ва флотда урушдан кейинги йилларда содир бўлган чуқур сифат ўзгаришларини жуда аниқ ифодалар эди, СССР Қуролли Кучларининг янги тури — стратегик вазифаларни бажарувчи ракета қўшинлари тузилганлиги бу ўзгаришларнинг гултожиси бўлди.

Ракетачилар билан артиллериячиларнинг бу йилги анъанавий байрами КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда нишонланмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини турмушга тадбиқ этиш учун сабот билан курашмоқдалар.

Қарор топган анъанага кўра, 19 ноябрь куни Совет кишилари фронтчи артиллериячиларнинг жасоратларини, уларнинг социалистик ватан душманларига қарши курашдаги хизматларини шарафлайдилар,ракетачилар ва артиллериячиларнинг ҳозирги авлодини мубораксбод этадилар, замонавий ракета ва артиллерия қуролини яратиб бераётган олимлар ва конструкторларга, инженерлар ва техникларга, мудофаа саноатининг ишчиларига таҳсинлар ўқийдилар.

Артиллерия Ватанимиз душманларига қарши курашда ҳамиша муҳим роль ўйнаб келди. Граждан уруши йилларида В. И. Ленин тегишли партия ва ҳарбий органларнинг диққат-эътиборини доимо артиллерия қисмлари тузиш, бу қисмларни фронтларнинг энг хатарли участкаларига тўплаш ва юбориб туриш ишининг жуда катта аҳамиятига қаратган эди.

Уруш арафасидаги беш йилликлар даврида Совет артиллерияси янада ривож топди. Артиллерия қўшинлари ихтиёрига энг янги дала тўпларининг ўн битта нусхаси, зенит тўпларининг учта нусхаси ва ўзининг жанговар хусусиятлари жиҳатидан чет эллардаги илғор армияларнинг миномёт системаларидан устун турувчи биринчи даражали миномётларнинг нусхалари топширилди. 1938 йилда Ҳасан кўли ёнида, 1939 йилда Халхин-Гол дарёси бўйида япон самурайлари билан бўлган жанглар шундан яққол далолат берди.

Совет артиллерияси Улуғ Ватан уруши даврида ғоят зўр қудратга эга бўлиб қолди. Шу пайтга келиб, артиллерия ўзининг жангдаги роли ва аҳамиятини кескин оширувчи янги фазилатлар касб этди. Бу урушда артиллерия жуда катта хизмат қилди. Мудофаа жангларида у қўшинларимизнинг мудофаасини метиндек мустаҳкамлади, ҳужум операцияларида эса душманнинг ҳар қандай мудофаа «линиялари» ва «тўсиқларини» гурзидек янчиб ташлади.

Уруш йилларида саноатимиз (Ҳарбий Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий —Денгиз Флоти учун тайёрланганидан ташқари) 350 мингтага яқин миномёт, ер ва зенит артиллериясн учун 183.500 тадан кўпроқ тўп, 115 мингта танк ва ўзиюрар тўплар, 11 мингтадан кўпроқ машқур «катюша»лар, жами 650 мингтага яқин артиллерия қуроли ва 532 миллион 500 мингта снаряд ва мина ишлаб чиқарди. Меҳнатдаги шу буюк жасорат учун Совет халқига шон-шарафлар бўлсин.

Гитлерчилар Германияси ва милитаристлар Японияси устидан қозонилган тарихий ғалабада Совет артиллерияси жуда катта роль ўйнади. У ўзининг жанговар имкониятлари ва жангда ишлатиш маҳорати жиҳатидан душман артиллериясидан устунлигини исботлади. Артиллериячиларимиз душманга қарши шиддатли олишувларда унга жуда катта талафотлар етказдилар ва ўзларини сўнмас шуҳрат билан қопладилар. Ватан уларнинг ҳарбий жасоратларини муносиб баҳолади. 1800 дан ортиқ артиллериячига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди, 1 миллион 600 минг артиллериячи жанговар орденлар билан мукофотланди, 500 та артиллерия қисми ва қўшилмасига «гвардиячи» номи берилди.

Урушдан кейинги йилларда империалист давлатларнинг реакцион доиралари Американинг атом қуролини монополия қилиб олганига таяниб, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши агрессив уруш режаларини туза бошладилар. Мана шундай вазиятда партиямиз билан ҳукуматимиз мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўришга мажбур бўлдилар. Жуда қисқа муддатларда ўзимизнинг ядро қуролимизни ва бу қуролни нишонга етказадиган ишончли воситаларни яратиш лозим эди. Мамлакатимиз бу жуда қийин вазифани муваффақиятли ҳал этди. 1947 йилда биринчи баллистик ракета ишлаб чиқарилди, орадан уч йил ўтгандан кейин анча мукаммал ракета синовдан муваффақиятли ўтди. 1957 йилда дунёда биринчи қитъалараро баллистик ракета яратилганги буюк воқеа бўлди. 1949 йилда атом бомбаси портлатиб кўрилди, 1953 йил августида эса, водород бомба АҚШдан аввал портлатилди. Шу тариқа ядро қуролининг Америка монополияси эканлигига чек қўйилди.

Ракета-ядро қуролининг пайдо бўлганлиги қўшинларнинг ташкилий тузилишини тубдан қайта қуришни талаб қилди. СССР Қуролли Кучларининг янги тури—стратегик вазифаларни бажарувчи ракета қўшинлари тузилди. Бу қўшинлар чорак аср мобайнида юксак жанговар шай қўшинларга айланди, мамлакатимизнинг ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг метин қалқони бўлиб қолди. Совет стратегик ракеталари исталган олисликка учиб бора олади, нишонга юксак аниқлик билан бориб тегади ва жуда катта қудратга эга бўлган термоядро зарядларини учириб бора олади.

Қуруқликдаги қўшинларимиз ҳам тубдан ўзгарди. Эндиликда оператив-тактика ва тактика вазифаларини бажарувчи ракета-ядро қуроли ва қўшиларнинг ўт очиш қудрати асосини ташкил этади. Стволли ва реактив артиллерия янада ривож топди. Артиллериянинг бу тури ҳозир жанг майдонида душманни ўт билан қақшатадиган қудратли воситадир. Ҳозирги замон артиллерия системалари ғоят ҳаракатчанлиги, олисга отиши ва нишонга аниқ уриши билан ажралиб турибди.

Ракетачилар ва артиллериячиларнинг сифат состави ҳам ўзгарди. Ҳозирги вақтда уларнинг деярли ҳаммаси ўрта ва олий маълумотли коммунистлар ҳамда комсомоллардан иборат. Қисмлар ва бўлинмаларга ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган офицер кадрлар қўмондонлик қилмоқдалар.

Ракетачилар билан артиллериячиларнинг ҳозирги авлоди—кекса авлодлар жанговар шуҳратининг муносиб ворисларидир. Улар кундалик ҳарбий меҳнатлари билан жанговар маҳоратни тинимсиз такомиллаштирмоқдалар, ўзларининг сиёсий ва профессионал билимларини ҳормай-толмай оширмоқдалар, ғалаба қозониш илмини сабот билан ўрганмоқдалар. Бу йил «Ғарб—81» деган шартли ном билан ўтказилган машқ ҳарбий маҳоратнинг ҳақиқий мактаби ва жанговар етукликнинг жиддий имтиҳони бўлди. Шу машқ чоғида ракетачи ва артиллериячи бўлинмалар жанговар отишмаларни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўтказдилар.

Ракетачилар билан артиллериячилар ўзларининг анъанавий байрамини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Шавкатли Қуролли Кучларимизнинг барча жангчилари қатори улар ҳам тинчлик душманларининг кирдикорларини сергаклик билан кузатиб турибдилар ҳамда исталган пайтда ҳар қандай агрессорга қатъият билан зарба беришга, Ватанимизнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатларнинг мустақил чегараларини қатъий туриб ҳимоя қилишга тайёрдирлар.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

М. Қорнеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС

«ШОДЛИҚ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғуломжон ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилбар ФАЙЗОВА.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

Солистлар: Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Анвар РУСТАМОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери— Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИНИНГ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

23/XI да— ГУЛСАРА.
25/XI да— ОЛИФТА.
26/XI да— ЎЖАРЛАР.
27/XI да— ДИЛАФРУЗГА ТЎРТ ОШИҚ.
28/XI да— ЎР. ТЎҚМОҚ.
29/XI да— ТОШКЕНТНИНГ НОЗАНИН МАЛИКАСИ.

Спектакллар соат 14.00 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ «ПАРДОЗЛАШ» ТРЕСТИГА

сувоқчилар, бўёқчилар-дурадгорлар. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади. Меҳнат ҳақи— ишбай-мукофотли.

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИГА:

трамвай ҳайдовчилар, слесарлар, бўёқчилар, сувоқчилар, қурилиш ишчилари. Ишчилар махсус жомакор, трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқи билан таъминланадилар. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ЛЕНИН РАЙОНИ АВТОМОБИЛЬ РЕМОНТИ КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, автослесарлар, юк ташувчилар,

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА:

озиқ-овқат молларини сотувчилар, кассир-контролёрлар, юк ташувчилар, фаррошлар, қадоқловчилар, сотувчиларнинг шогирдлари.

ЛЕНИН РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

электр монтёрлар, комплектловчилар, қуювчилар, мастерлар, қоровуллар, слесарь-ремонтчилар, автоматчилар, юк ташувчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

тиқувчи мотористскалар, токарлар, фрезерловчилар, слесарь-созловчилар, лифтёрлар,

Справкалар ва йўлланмалар олиш учун мурожаат этилсин:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ГИЛАМ ВА ГИЛАМ ПОЁНДОЗЛАРНИ ХИМИЯВИЙ ТОЗАЛАЙДИГАН 6-ФИЛИАЛИ



Аҳоли ва ташкилотлардан гиламлар, гилам поёндозлар, паслослар ва поёндозларни тозалаб бериш учун буюртмалар қабул қилади. Буюмлар размери чекланмайди.

Буюртмани расмийлаштиришда буюмни олиб келиш ва элтиб бериш таъминланади.

Хизмат кўрсатиш учун қуйидаги телефонлар орқали буюртма бериш мумкин: 44-52-95, 41-80-20, 41-80-25, 41-80-27, 41-80-10.

Справкалар учун телефон 53-20-54.

6-филиалнинг ўзида пальто, камзул, шим, кўйлак ва бошқа кийимларни тезда химиявий тозалаб бериш учун буюртмалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XI да Нодирабегим, 20/XI да Алмандар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/XI да Тошкентнинг нозанин малиқаси, 20/XI да Ёшликда берган кўнгил.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

19 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — Восток.
«ҒУГУРТЛАР»— Янгиобод.
«ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН» — Москва.
«БИР ТОМЧИ НИКОТИН» — Ҳамза.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕҲРОН—43» — Чайка (17, 20.00), Москва (17, 20.00), Нукус 18.30, 20.45). Восток (18.30, 21.00), Санъат саройи (катта зал, 19.15, кичик зал, 19.45).
«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Ҳамза номли (жуфт соатларда).
«ОЛТИН ЖАҲАННАМ» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (тоқ соатларда).
«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Восток (жуфт соатларда).
«САҲРО ВА ЧАНГАЛЗОРЛАРДА» — Искра (17, 20.00).
«УЧҚУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

20 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИ» — Мир.
«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — Восток.
«ҒУГУРТЛАР» — Янгиобод.
«ҚАЛБИНГДА НИМА БОР-А?» — Лисунов номли.
«БУДАПЕШТ»— Тинчлик.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕҲРОН—43» — Чайка (11, 14, 17, 20.00), Москва (11, 14, 17, 20.00), Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), Восток (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17.15, 19.45).
«ОЛТИН ЖАҲАННАМ» — Ҳамза номли (жуфт соатларда), Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (тоқ соатларда).
«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Восток (жуфт соатларда).
«САҲРО ВА ЧАНГАЛЗОРЛАРДА» — Искра (17, 20.00).
«УЧҚУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ обуна нашрларига

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Б. ЛАВРЕНОВ. 6 томлик. Бай пули — 1 сўм.
П. БРОВКА. 4 томлик. Бай пули— 1 сўм.
«РАДОСТЬ ПОЗНАНИЯ». 4 томлик. Бай пули— 5 сўм.
Г. В. ЛЕЙБНИЦ. 4 томлик танланган асарлар. Бай пули — 2 сўм.
А. ХЭМ, Д. КОРМАК. «ГИСТОЛОГИЯ» 5 томлик. Бай пули— 1 сўм 50 тийин.
«Минеральные месторождения Европы». 5 томлик. Бай пули— 5 сўм.
М. ДИКСОН. «ФЕРМЕНТЛАР». 3 томлик. Бай пули—2 сўм.
П. ЗЕНГБУМ. «Молекулярная и клеточная биология». 3 томлик. Бай пули— 1 сўм 50 тийин.

Обуна бўлишни хоҳлаганлар 21 ноябрь соат 10.00 дан 18.00 гача рўйхатга олинадилар.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари учун рўйхатга ёзилиш ва абонемент бериш якшанба куни соат 14.00 да бошланади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

19 НОЯБРЬ—ПАЙШАНБА
РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 Ёш конструкторлар конкурси. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро ҳамкорликда Совет Иттифоқининг роли». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Ракета қўшинлари ва артиллерия куниға. Ракета қўшинлари бош қўмондони — СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, армия генерали В. Ф. Толубко сўзи. 19.45 «Ҳатларингиз асосида». Жангчилар учун музикали программа. 20.00 Т. Манн. «Будденброклар». Телевизион спектакль. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 Бокс бўйича жаҳон кубоги. Финал. Канададан олиб кўрсатилади. 23.45 «Дунё воқеаларн».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 20.15 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Л. Н. Свердлин .21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Любавиларнинг тугатилиши». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 «Қандай қилиб тулкилар товуқлар билан дўстлашди». Мультфильм. 17.30 «Ёзувчилар— болаларга». 18.10 Эркин кураш бўйича Болгария спортчилари иштирокида Бутуниттифоқ мусобақалари. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган). 18.40 «Профилактик кардиология муаммолари». Бутуниттифоқ конференцияси. 19.00 «Бугун — Ракета қўшинлари ва артиллерия куни» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Дирижёр ҳикоя қилади». 20.30 «Ахборот». 20.50 Л. И. Брежнев. «Эсдаликлар». Ўзбекистон халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Бугдойзорлар оралаб», Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Адабиёт. Пушкин музикада (рус.). 18.45 «Осмон соқчилари». Телефильм. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.50 «Шанба куни эрталаб». Телефильм. 21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 21.30 МТ IV.

20 НОЯБРЬ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Моҳир қўллар». 10.35 «Любавиларнинг тугатилиши». Бадиий фильм. 12.05 С. Рахманинов. Икки фортепьяно ижроси учун 2-сюита. 12.30 «Шеърлар ва рельслар». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Ишчан аёл портретига чизгичлар» (Минск). «Ўз учрашувимни кутаяпман» (Киев). «Мен улгайяпман» (Тошкент). 16.20 «Москва ва москваликлар» .16.50 Псков рус халқ хори ижро этади.

17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Садко» Бадиий фильм. 18.50 «Социалистик эфиопиялик меҳмон». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 М. Глинка. РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Лейферкус ижросида романслар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.50 «Рейнда куз». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Э. Мнацаканов олиб боради. 20.20 Т. Манн. «Будденброклар». Телевизион спектакль. 2-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Валли, қизлар». 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Бир онлада». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 12.05 ва 17.00 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 География. 8-синф Аграр саноат комплексининг бугунги ва эртанги куни. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Электр ва магнит майдонларида зарядланган қисмлар ҳаракати. 12.40 ва 13.40 География 5-синф Вулқонлар. Гейзерлар. Иссиқ манбалар. 13.10 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. «Мангу қаровдор». «Сибирь нефрити». 14.10 «Звездочет» телевизион журнали. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчи Ю. Н. Глазков олиб боради. 14.55 ва 17.30 М. Дудин поэзияси. Ўқитувчи эҳтиёжи. 15.25 Музика. 4-синф. Рус халқ тарихий қўшиқлари. 15.55 Зоология. 7-синф Балиқларнинг хилма-хиллиги. 16.20 «Улуғ Ватан уруши йилларида совет тасвирий санъати». 16.50 «Мактабда ўқитишади». Илмий-оммабоп фильм.

19.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати «Трактор» — «Спартак» Челябинскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.50) — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Янги аттракцион». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

16.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Ўйлаб топ». (рус.). 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.05 «Радиоизотоп диагностикасининг янги методлари». Бутуниттифоқ симпозиуми. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Л. И. Брежнев. «Эсдаликлар». Ўзбекистон халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди. 21.30 Москва. «Времл». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Спорт программаси: 1. Футбол шарҳи. 2. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Сибирь» (Новосибирск). 2- ва 3-даврлар «Юбилейний» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Ват оҳанглари». Телефильм. 18.15 Ўқитувчилар ўқув консультация. Қ. Муҳаммадий—болалар шоири. 18.45 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.50 «Лола». Телефильм. 21.00 «Она шаҳрим — Тошкентим». 21.30 МТ IV.



«Буратино» кафеси қошидаги қандолат-кондитер цехи ҳар куни шаҳар аҳолиси учун ўн беш турдаги ассортимент бўйича булка-кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Ушбу фотолавҳада сиз шу цехнинг ёш қандолатчиларидан Т. Аҳроров ва Ф. Маҳмадалиеваларни маҳсулотни жўнатишга тайёргарлик кўраётган вақтида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳайвонот оламида

ДЕЛЬФИН ЁРДАМ СЎРАЙДИ

«Ардаматов» траулери Куриль оролларн районида илгарилаб кетаётган вақтда кема бортидан дельфинни пайқаб қолдилар. У кема томон сузиб келарди, лекин ўзгача, силтаниб-силтаниб яқинлашарди. Дельфин кемага сакрашга уринди, лекин чиқа олмади. Денгизчилар уни палубага чиқариб олдилар, врач Л. Лазаренко бу одатдан ташқари мижозга огриқсизлантирувчи укол қилди, жароҳатни ювди ва тикди. Операция бир ярим соат давом этди. Бу вақт давомида «беморга» сув сепиб турдилар ва у ўзини осойишта тутди.

Дельфинлар тўдаси кемага «патруллик» қилиб турди. Операциядан сўнг жониворни сувга туширидилар. Уни «ҳамроҳ»лари хурсандчилик билан кутиб олдилар ва траулерни узоқ вақт олқишлаб кузатиб қолдилар.

ЯРИМ МИЛЛИОН ГЕКТАР ЕР СУҒОРИЛАДИ

«Тўямўйингидрострой»нинг 3-қурилиш-монтаж бошқармасидаги Б. Жумабоев бошлиқ бетончилар бригадаси шу кунларда СССР 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаяпти. Коллектив республикада энг йирик сув омборини қураяпти. Унинг ҳажми ҳозир мавжуд бўлган барча сув омборларининг ҳажмидан каттадир. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области ва Туркманистон ССРдаги қўриқ ва сув танқис бўлган ярим миллион гектар майдонни суғоради.

Б. Жумабоев бошлиқ бригада яқинда 1981 йил учун қабул қилган қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари бажарди. Жами 350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Монтажчилар йил охирига қадар яна 200 минг сўмлик иш бажаришади.

Туямўйин гидроузели қурувчилари бу йилги ҳосил стиштириш мавсумига муносиб ҳисса қўшдилар. Иншоотнинг учта комплекси ишга туширилди. Бу 120 минг гектарни суғориш имконини берди.

ҚАРМОҚ ЎРНИГА—ЧЕЛАК

Таллин яқинидаги «Костивера» совхози ишчилари балиқ овлаш учун қудуқ олдига келадилар. Қудуқдан сув ботириб олинаётганда челакка кўпинча балиқ тушиб қолади. Бунинг сири жуда оддий бўлиб, мазкур ер туяроқ қатлами—бўшлиқ ва ғорларга бойлигида экан.

Баҳорда бу ерга дарё суви йўл топган. Шу йўсинда қудуққа сув билан бирга балиқларни ҳам суриб келтирган.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

● ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

ҲАЛОЛЛИК

Муқаддас уйига қайтиб келгандагина қўлида сетками билан сумкаси борлигини, сумкани эса қаердадир қолдириб келганини пайқади. Пайқадию, ранги оқариб кетди. Сеткани уйига қўйди-ю, уйдагиларга бирон гап демай, йўлга чиқди. Ахир сумкада 475 сўм пул, иккита омонат дафтарчаси, қимматбаҳо буюмлар, керакли ҳужжатлар бор эди-да. У тушмоллаб кўрди. Олдин троллейбусда, кейин трамвайда юрди. Қаерда қолдириб кетиши мумкин? Тахмин қилган жойларда бўлди. Одамлардан, троллейбус-трамвай ҳайдовчиларидан, диспетчерлардан сўроқлаб кўрди. Лекин бирон ижобий жавобни олмади. Маъюс ҳолда уйига қайтиб келди.

...Троллейбус ўз йўлида давом этар эди. Бир қария қўлида сумка кўтариб, бу кимники, ким сумка йўқотган, деб теварак-атрофдагилардан сўради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Унинг эгаси аллақачон троллейбусдан тушиб кетган эди.

Шундан сўнг ота сумкани учтўрт киши гувоҳлигида очиб, агар унда сумка эгасининг адреси бўлса, олиб бориб беришга аҳд қилганлигини айтди. Отанинг бу маслаҳати кўпчиликка маъқул бўлгач, сумкани очишди. Ҳақиқатан ҳам сумкада 1981 йил учун газетага ёзилган квитанциялар ва унда адрес бор экан. Ота шу адрес бўйича йўлга тушди. Сўраб, суриштириб, шу уйни топди.

— Болам, менинг отим Собир, фамилиям Йўлдошев. Мажлисий кўчаси, 3-проезд, 9-уйда тураман. Мана шу сумкани троллейбусдан топиб олдим. Ичини қарасак адресинг бор экан. Шу сумка сеникими, ахир?

Муқаддас ўз сумкасини олгач уни олиб келиб эгасига топширган отахонга ташаккур билдирди.

И. УСМОНОВ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуш —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-65-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

19 НОЯБРЬ, 1981 й. Р —02347. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.